



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI DENOVA TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI**

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko'chasi 238-uy, 190500, tel: 0(376)413-18-97, faks: 0(376) 413-10-88, denov.t@exat.uz

2022 йил «24» январь

6-8-111-F/22

Денов туман ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ ҳамда Денов туман ҳокимлигининг 2022 йил 21 январдаги 01-37/31-сонли хатини инобатга олиб, туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағи ҳисобидан қуидаги мақсадларга маблағ ажратилсин:

1. Денов туман ҳокимлиги Молия бўлими (А.Мухамадиев) туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағи ҳисобидан:

Туман ҳокимлигига:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2021 йил 25 декабрдаги №02-3732-сонли хати ва Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 декабрдаги Фк-96-сонли фармойишига асосан туман ҳокимининг тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш харажатлари учун
8 984,0 минг сўм;

Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Тиббиёт ходимлари куни, Ички ишлари ходимлари куни, Прокуратура ходимлари куни ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбирларни ташкил қилиш ва соҳа ходимларини тақдирлашга совғалар олиш учун 622 888,0 минг сўм.

Жами ушбу харажатлар учун 631 872,0 (олти юз ўттиз бир миллион саккиз юз етмиш икки) минг сўм ажратилиши юзасидан туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

2. Денов тумани бўйича Газначилик бўлинмаси (Х.Примов) туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (А.Нормуродов) ажратилган маблағларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда хужжатларни расмийлаштириш ва мақсадли сарфлаш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Абдурайимов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Pardayev.R.U